

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 20 апрель • № 15 (880)

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Саломатлик куни

Бухоро вилояти

### ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ – ИНСОНЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

*Фахр билан айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратилаётган ғамхўрлик ва эътиборлари боис, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи янада ортиб бормоқда. Таъкидлаш муҳими, кейинги йилларда соҳанинг барча йўналиши кенг қамраб олиниб, уларнинг ҳар би-*

*рида янгилик, изланиш ҳамда янада ривожланиш сари илдам қадам ташланди. Натижада, тизимда кўплаб муваффақиятларга эришилди. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитар-эпидемиологик барқарорликни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, соғлом турмуш тарзи каби масалаларга катта эътибор қаратилганлиги сабаб, Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.*



Хабарингиз борки, 2011 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Буюк Британиянинг «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Шунингдек, ўтган йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманда бир қанча хоржий давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, қирққа яқин мамлакатдан ташриф буюрган соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат 300 нафар мутахассис қатнашди. Унда Юртбошимиз ҳамда ЖССТ бош директори Маргарет Чен иштирок этиб, улар ўз маърузаларида юртимизда тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни эътироф этдилар. Мазкур нуфузли даражадаги симпозиум халқаро ташкилотлар, соҳанинг жаҳонда тан олинган машҳур олимлари, қолаверса, барча иштирокчилар томонидан юксак баҳоланди. Албатта, бундай ютуқли натижаларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Дарҳақиқат, тизимдаги ислохот жараёнларини янада изчиллик билан олиб бориш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, «Саломатлик ҳафталиги» ва унинг доирасида ўтказилаётган тадбирлар юқоридаги фикрларимизнинг ёр-

қин далилидир. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йилнинг июль ва август ойларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республикаимиз ҳудудларида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида саломатлик ҳафталиги бўлиб ўтди. Мазкур ҳафталикда республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасаларидан танлаб олинган етакчи олимлар иштирок этиб, аҳолини кенг тарзда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан белул ўтказдилар. Юқоридаги тадбирнинг яна бир узвий давоми бўлган «Саломатлик куни» ҳар йили биргина Андижон вилоятида ташкил этилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сонли «Мустақам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро

вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 14 апрель куни Бухоро шаҳридаги Самонийлар истироҳат боғида «Саломатлик куни» тадбири ўтказилди. Унга қилаётган аҳоли кенг жалб этилди.



ро вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 14 апрель куни Бухоро шаҳридаги Самонийлар истироҳат боғида «Саломатлик куни» тадбири ўтказилди. Унга қилаётган аҳоли кенг жалб этилди.

Истироҳат боғига кириб борар эканмиз, аввало аҳолининг хуш-

кайфиятда келаётганлиги, шунингдек, уларни тиббий кўриқдан ўтказиётган мутахассисларнинг тартиб билан жойлашуви ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлигини кўриб, халқимиз саломатлиги давлат муҳофазасида эканлигига яна бир

лиги томонидан тасдиқланиб, бошқармалар, жамоатчилик, нодавлат нотижорат ва хайрия ташкилотларининг аниқ вазибалари белгилаб берилди. Ушбу тадбирга кенг жамоатчилик, айниқса, вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ички ишлар бошқармалари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармалари, «Ёшлар ижтимоий ҳаракати», «Қизил ярим ой» жамияти ва бошқа кўплаб жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки таъминланди. Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш билан бирга, улар учун ёш ижрочилар, фольклор йўналишларида концертлар, болаларнинг асфальтга расм чизиш санъати, спорт, аттракцион ва бошқа маданий дам олиш дастурлари намойиш қилинди. Шунингдек, вилоят «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Қизил ярим ой» жамияти, 2-сон вилоят стоматология поликлиникаси томонидан тиббий кўриқдан ўтган фуқаролар учун мутахассислар тавсиясига асосланиб 7 турдаги дори-дармонлар,

боғлов материаллари, бир марта ишлатиладиган шерицлар, тиш пастаси ҳамда щёткалари, «Саломатлик ва тиббий статистика институти» вилоят филиали томонидан «Ўз саломатлигинизга эътиборли бўлинг» шиори остида буклетлар тарқатилди.

Тадбирдан асосий мақсад, аҳолини ёшидан қатъи назар, тиббий кўриқдан ўтказиш, диагностика усулларни қўллаб, касалликларни аниқлаш, уларга тегишли тиббий тавсиялар беришдан иборат бўлди. Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, тегишли тавсиялар беришда 31 турдаги мутахассислар бўйича 12 нафар профессор, доцент, илмий даражали тиббиёт ходимлари – ўқитувчилар, 58 та олий тоифали малакали, тажрибали шифокор ва ҳамширалар иштирок этдилар. Тиббий кўриқни сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида мутахассислар кўрувидан ташқари кўшимча ЭКГ, УТД, рентген-флюорография, эхоэнцефалография, кўз кўриш, кулоқ эшитиш ўткирлиги даражасини аниқлаш, стоматологик кўрувни амалга ошириш ва шошилиш ҳолатда тиббий ёрдам кўрсатиш усулларидан фойдаланилди. Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам амалий-услубий ёрдам кўрсатилди. Тадбирга жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган рақамли ва кам дозали «Проскан – 2000»

(Давоми 2-, 8-бетларда).

## Саломатлик куни

## ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ – ИНСОНЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

авторентген флюоромосламаси ҳамда замонавий барча шошилич тиббий ёрдамни ўз вақтида ва жойида амалга оширишга мўлжалланган «Хундай» русумли 7 та тез ёрдам машиналари ўз бригадалари билан жалб қилинди.

Натижаларга кўра, тадбир давомида 3378 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтган бўлса, шулардан 1271 нафари ЭКГ,

УТД, рентген-флюорография, эхоэнцефалография диагностика текширувидан ўтказилди.

Бошқармамит томонидан саломатлик куни тадбирида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган аҳоли орасида касаллиги аниқланган беморларни соғломлаштириш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамда тадбир тартибли ўтиши-

да ўз хиссасини кўшган барча ташкилотларга миннатдорчилигимни билдираман.

Дарҳақиқат, истироҳат боғининг сўлимлиги, гўзаллиги ҳар қандай кишининг бахридигини очиб, тиббий кўриқка келган аҳолига руҳан кўтаринкилик бағишлагани билиниб турарди. Шунингдек, кардиолог, инфекционист, уролог, гинеколог, терапевт, ревматолог, нейрохирург, эндокринолог, дерматовенеролог, гематолог, гастро-

энтеролог, алерголог, хирург, отоларинголог, невропатолог, стоматолог, травматолог-ортопед, офтальмолог, логопед, педиатр, онколог-маммолог, физиотерапевт каби мутахассислар қабулидаги фуқаролар билан суҳбатлашганимизда, улар ушбу тадбирдан, айниқса, тиббиёт ходимларининг хушмуомалалиги ҳамда бепул тиббий хизматлардан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Тадбирнинг яна бир диққатга сазовор томони шун-

даки, 7 та «Хундай» тез ёрдам машинаси (ЭКГ, УТД, эхоэнцефалография диагностика текширувлар) ва унинг ичидаги янги технологиялар ҳамда жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган рақамли, кам дозали «Проскан – 2000» авторентген флюоромосламаси каби тезкор ташҳис қўя оладиган аппаратлар аҳолининг узоғини яқин қилиб, шу куни 1271 нафар фуқарога хизмат кўрсатди.




**Маъмурахон САФОЕВА,**  
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг  
ҳамширалик иши бўйича Бош мутахассиси:

– Аввало, ана шундай кенг тарзда ўтказилган «Саломатлик куни»-да вилоятимизда истиқомат қилувчи аҳолининг фаол иштирок этганлиги, уларнинг соғлиқларига бўлган эътиборлари ҳамда тиббий маданиятлари юқори эканлигини кўрсата олди десам, янглишмайман. Айниқса, оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиқда келганлиги ҳамда мутахассисларнинг ҳар бир саволга мукамал даражада жавоб бера олишлари ва ўзларида кечаётган айрим касалликларни тўғрисида муҳим маълумот, тавсияларга эга бўлганликлари бизни қувонтирди. Бундан ташқари, аҳолининг УЗИ, ЭКГ ва «Проскан – 2000» авторентген флюоромосламасида ўз соғлиқларини текшириш жараёнида тезкор таҳлилларни олишлари ҳамда бепул ўтказилган тиббий кўриқ ҳар бир фуқарода тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган ишончини орттирди.

**Тўла ТҲҲҲҲ,**  
Ромитан тумани, «Кумработ» маҳалласи, пенсионер:

– Бугунги тадбирдан барча қатори мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. «Саломатлик куни» ўтказилишидан олдин Бухоро вилоят телевидениеси, радио ва газеталар орқали берилган эълонлар сабаб, ушбу тиббий кўриқка келганим ва соғлигимдан бохабар бўлганим, тиббиёт ходимларига хурматимни янада оширди. Айниқса, истироҳат боғига кираверишда тадбир ташкилотчиларининг илиқ муносабати, шифокор ва ҳамшираларнинг меҳрибонлиги, билимдонлиги туфайли соғлигимдаги ўзгаришлардан хабар топдим. Шунингдек, кардиолог, стоматолог, дерматолог, терапевт, эндокринолог каби мутахассислар кўригидан ўтдим, ҳамда УЗИ ва ЭКГ аппаратларига тушиб, керакли тавсияларни олдим. Аввало, Юртбошимизга катта раҳмат айтиб, халқимиз бахтига омон бўлишларини тилаб қоламан.



**Зулфия МУЗАФФАРОВА,**  
Бухоро шаҳри:

– Аввало, Юртбошимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлигига ана шундай шароит ва имкониятларни яратиб, бизнинг соғлигимизни ўйлаб, «Саломатлик куни»ни ташкил этганликлари учун чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Ушбу тадбирга кадрдонларим билан биргалиқда келиб, тажрибали мутахассисларнинг тиббий кўригидан ўтдик. Асосийси, тадбир учун танланган жойнинг хушманзаралиги, тиббиёт ходимларининг самимийлиги, замонавий аппаратураларнинг мавжудлиги кўнглимизга завқ бағишлади. Бундан ташқари, соғлигимни текширишда янги технологияларда ишлаётган шифокор ва ҳамшираларнинг билими ҳамда тажрибаси қўл келди. Чунки уларнинг ташҳислари бўйича соғлигимда жиддий ўзгаришлар йўқ экан. Тадбирга ошқиб келаётганларни кўриб, уларнинг саломатликларига эътиборлари кучли эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Келгусида ҳам ана шундай тадбирлар ўтказилиб турса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Темур ФАТТОХОВ,**  
Бухоро вилоят 2-сон стоматология  
поликлиникаси бош врач:

– Бугунги тадбирга вилоятимизнинг 11 та туманидан ташриф буюрганлар ҳар бир мутахассис кўригидан ўтиб, ўз саломатликларини тўғрисида, айрим касалликларнинг олдини олиш ва даво муолажаларини вақтида ўтказиш муҳимлиги хусусида тиббий билимга эга бўлдилар, деб ўйлайман. Ушбу кўриқда мутахассисларимиз замонавий стоматология аппаратурада муружаат қилган 203 нафар фуқарони текшириб, жойида тегишли муолажаларни олиб боришди. Шунингдек, нафақат Бухоро, балки Навоий вилоятларидан ҳам келганлар бўлди. Барча вилоятимиз аҳлига тиш пастаси ҳамда шёткалари, оғиз бўшлиғи касаллиги ва унинг олдини олиш тўғрисидаги буклетлар тарқатилди. Оммавий тарзда ўтказилган бундай тадбир, албатта, ўз натижасини бериши шубҳасиз.



**Сабоҳат ЭШОНҚУЛОВА,**  
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани:

– Бухоро телевидениеси орқали «Саломатлик куни» эълон қилинганлигини кўриб, тиббий кўриқдан ўтиш учун келдим. Уролог, стоматолог, эндокринолог, окулист, отоларинголог, гинеколог ва терапевтлар қабулида бўлдим. Шунингдек, УЗИ ва ЭКГ аппаратурага тушдим. Айниқса, тишларимни замон талаблари даражасидаги стоматология аппаратурада текширишганда тиббиётимиз ривожланиб кетаётганлигидан қувондим. Мутахассислар кўригидан ўтиб, касаллигим тўғрисида аниқ ташҳис қўйилгач, соғлигимга эътибор кучайтириш муҳимлигига амин бўлдим.



**Акмал МУРОДОВ, Нилуфар БОЗОРОВА, Бухоро шаҳри:**

– Бугун биз тадбирга оилавий бўлиб келдик. Биринчи навбатда икки нафар фарзандимизни тиббий кўриқдан ўтказдик. Сўнгра турмуш ўртоғим билан мавжуд мутахассислар қабулига кириб, соғлигимиз тўғрисида янада муҳим маълумотлар олдик. 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши ва Давлат дастурида соғлом она – соғлом бола тамойили татбиқ этилаётганлигига гувоҳ бўлдим. Гинеколог, онколог-маммолог, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро вилоят филиали ҳамда УЗИ мутахассислари томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган хизматлар, шунингдек, касалликларга оид буклет ва плакатлар тарқатилаётганлиги қувонarli ҳолдир. Албатта, бундай тадбирларнинг ўтказилиши қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, истироҳат боғида тиббий кўриқ билан бир қаторда нафақат фарзандларимиз, қолаверса, биз учун ҳам маънавий ҳордиқ чиқаришда яратилган шароитлар қалбимизга кўтаринкилик кайфиятини бағишлади.

(Давоми 8-бетда).

**Қонун кучга кирди**

# ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ТАМАКИ ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ...МИ?

Хабарингиз бор, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирганлиги муносабати билан унинг жойлардаги ижросини таъминлаш, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмоли ҳамда тарқатилишига оид чекловлар бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари хусусида муштарийлардан кўплаб кўнгироклар, турли мазмундаги савол ва мувожаатлар бўлмоқда. Ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ ўрганиш ва газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова билан суҳбатда бўлдик.

**Асосий тушунчалар:**

**тамаки** – тамаки ёки унинг ўрнини босувчи нарсдан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот.



**«Қонунда тамаки маҳсулотларининг жамоат жойларида чекилишига доир қандай тақиқловчи моддалар мавжуд?»**  
Хусан Темуров, курувчи».

– Қонуннинг 19-моддасида тамаки маҳсулотларининг истеъмолини чегараловчи ҳудудлар белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар бундан мустасно, шунингдек, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Иш жойлари ҳудудига нафақат идора бинолари, балки кириш заллари, зиналар ҳам кирилади. Жамоат транспорти – бу йўналишсиз таксилардан тортиб, йўловчи ташувчи барча турдаги транспорт воситалари – микроавтобус ва автобуслар, трамвай, поезд ва самолётларни ҳам ўз ичига олади. Демак, йўналишсиз таксиларда ҳам чекиш тақиқланади.

Шунингдек, Қонуннинг айнан ушбу моддасига биноан иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида алкоголь маҳсулотини қўйиб реализация қилиш рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектларига, шунингдек, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**«Тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотишда харидорларнинг ёши чегараланганми?»**  
Салоҳиддин Юнусов, сотувчи».

– Албатта, бу каби ҳолатларни тартибга солиш мақсадида Қонуннинг 13-моддасида қатъий талаблар белгилаб қўйилган. Унга кўра, 20 ёшга тўлмаган шахсларга тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотилмайди. Қонуннинг 14-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи шахслар мазкур маҳсулотларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун жавобгар бўлиши хусусидаги норма ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Шу ўринда яна бир нарсага алоҳида аҳамият қаратиш жоиз деб биламан, яъни қонуннинг 15-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда тамаки ва алкоголь маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши қайд этилган. Демак, эндиликда ушбу маҳсулотларни сотишга ҳақли бўлган юридик шахслар олдидagi мажбуриятлар янада ошади. Чунки, Қонун қабул қилингунга қадар, вояга етмаган ўсмирлар орасида ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш ва уларга нисбатан маҳсулотни реализация қилиш каби ҳолатлар жуда кўп учраган эди. Муаммоларнинг асл ечими назаримизда яратилган мазкур Қонун нормалари билан янада қатъий қарор топади.

**«Қонунда тамаки ва алкоголь маҳсулотлари қандай муассаса ва ташкилотлар ҳудудида сотилмаслиги белгиланган?»**  
Нигора Султонова, ўқитувчи».

– Қонуннинг 13-моддасида таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан 500 метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида мазкур маҳсулотларни сотиш тақиқланиши қайд этилган. Таълим муассасалари ўз таркибига боғча муассасаларидан тортиб, йирик олий таълим даргоҳлари – институт ва университетларни ҳам қамраб олади. Демак, нафақат талаба-ёшлар, балки университет ходимлари ҳам таълим даргоҳига яқин бўлган ҳудудлардан тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотиб олишолмайди. Тан олиш керакки, ушбу ҳолат бўйича таълим муассасаларида аллақачон назорат ишлари бошлаб юборилган.

**16-модда:** Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши устидан давлат назорати ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**«Қонунда алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларни тиббий даволаш ва соғломлаштириш тартиб-қоидаларини назарда тутувчи нормалар ҳам белгиланганми?»**  
Сардор Исмоилов, ҳайдовчи».

– Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, алкогольга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, шунингдек, уларни реабилитация қилиш юзасидан ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга уларнинг хоҳишига кўра, соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади, деб белгиланган. Аввало, ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўзимизга, оиламиз ва фарзандларимизга керак. Шундай экан, бу йўлга кириб қолишдан, сўнгра сурункали касалликлар гирдобига чалинишдан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз зарур.

**Алкоголга қарамлик** – алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (сурункали алкоголизм).

**Тамакига қарамлик** – тамаки маҳсулотига патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (никотинга қарамлик).



**«Айрим ҳолларда кўча-кўйлар, тасодифий жойларда тамаки маҳсулотлари доналаб сотилишининг гувоҳи бўламиз. Бу борада ҳам муайян чекловлар борми?»**  
Рустам Салимов, талаба».

– Сиз сўраган ҳолат бўйича Қонуннинг 13-моддасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. 11-моддага мувофиқ, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқи фақат юридик шахсларга берилади. Тамаки маҳсулотларининг сотилишига оид талаблар 13-моддада қайд этилган бўлиб, эндиликда ушбу маҳсулотлар доналаб, қутисиз (ўровсиз) ҳолда сотилмайди. Кўча-кўйда ноқонуний тарзда жисмоний шахслар томонидан тамаки маҳсулотларининг доналаб, ҳатто қутиси билан сотилиши ҳам қонунга хилоф саналади.

**«Янги қонунчиликка мувофиқ, тамаки маҳсулотларини қаерда истеъмол қилишга рухсат этилади?»**  
Дилёр Раҳимов, шифокор».

– Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга фақатгина махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналарда рухсат этилади (19-модда).

**Юқорида сиз билан "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мутахассис ёрдамида тўлароқ шарҳ бериб ўтишга ҳаракат қилдик. Муштарийлар томонидан юборилган ҳар бир савол ўйлаймизки, жавобсиз қолмади. Газетанинг келгуси сонларда мазкур мавзунинг давом эттириш ҳолда Қонуннинг республикамиз ҳудудларидаги ижроси ва бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларига эътиборни қаратамиз, деган ниятдамиз.**

**ҚОНУННИНГ МАҚСАДИ**

**Қонуннинг мақсади алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.**

**Ушбу Қонун фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришини ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.**

**«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ўрамада қандай ёзувлар бўлиши ва улар қай тарзда тамғаланиши зарур?»**  
Аҳмаджон Шукуров, хусусий тадбиркор».

– Қонуннинг 12-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тамғаланишига оид талаблар батафсил кўрсатилиб, унга кўра, алкоголь маҳсулотининг идишида ёрлик асосий юзасининг камида 40 фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотининг қутиси (ўрови)да тамаки маҳсулотини қутиси (ўрови) олд томони асосий юзасининг камида 40 фоизини ва орқа томони асосий юзасининг камида 40 фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотининг қутиси (ўрови)да инсон соғлиғига етказиладиган зарарни камайтириб кўрсатувчи, тамаки маҳсулотининг хусусияти ҳақида зарарсиз маҳсулот сифатида ёки тамаки маҳсулотининг бошқа намуналарига қараганда зарари камроқ эканлиги тўғрисида ёлғон таассурот уйғотадиган ахборот жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Албатта, ушбу талабларга мувофиқ бугунги кунда мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш тўлиқ йўлга қўйилмоқда. Халқимиз Қонуннинг мазмун-моҳиятини секин-асталик билан тушуниб етмоқда. Бу ҳақда гап кетганда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бирламчи вазифа ҳисобланади. Қонунда тегишли вазирликлар қатори, маҳаллий давлат органлари ва кенг жамоатчиликнинг бирдек иштироки борлиги барчамизга яхши маълум. Шундай экан, бу борада қонун ижроси юзасидан назоратни жадал кучайтириб боришимиз зарурлиги талаб этилмоқда.

**«Қонунда ушбу маҳсулотларни реклама ва тарғиб қилишни чеклаш бўйича қандай талаблар илгари сурилган?»**  
Анвар Соатов, талаба».

– Қонуннинг 18-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этиш, яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи гоғлар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланади, деб кўрсатилади.

**Намоз ТОЛИПОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати ходими.

## Матбуот анжумани

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИДА ДОРИ-ДАРМОН СИФАТИНИНГ МУҲИМЛИГИ

Жорий йилнинг 18 апрель куни Республика Миллий матбуот марказида «Аҳолининг сифатли дори-дармонга бўлган талабини қондириш масалалари, импорт қилинаётган дори маҳсулотлари назоратини таъминлаш, қалбаки дори маҳсулотларига қарши кураш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М. Ходжибеков кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимизда дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи ўнга яқин тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги, юқоридаги ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикасида аҳолини сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар дори воситалари билан таъминлаш, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сақлаш, ташиш, сотувга чиқариш ва бошқа босқичлар меъёролаштирилганлиги хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш

жоизки, Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки даврда мамлакатимизда атиги иккита фармацевтика корхоналари томонидан 20 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 127 та корхона дори воситалари ишлаб чиқариш лицензиясига эга. Шулардан 19 та фармацевтика корхонаси эса халқаро сифатни бошқариш тизими ISO 9001 ва GMP сертификатларига эгаллиги қувонарли ҳолдир. Шуни айтиш муҳимки, маҳаллий корхоналардан 19 таси ўз маҳсулотларини чет элга экспорт қилмоқда. Бунинг баробарида мазкур йўналишда ижобий ишлар амалга оширилиб, ўз натижасини бериб келмоқда.

Бундан ташқари, қўллаш учун яроқсиз бўлган дори во-

ситаларини муомалага киришининг олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 2 июнда 07/1-420-сон билан тасдиқланган «Тиббиёт муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш назоратини ва муомалага сифатсиз ва қалбакилаштирилган тиббиёт маҳсулотлари кириб келишининг олдини олишга қаратилган ишларни тизимга солиш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ республикадаги ваколатли ташкилотлар томонидан тегишли тадбирлар ўтказиб берилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х. Жалилов бугунги кунга нисбатан Ўзбекистон Республикасида жами 6036, шу жумладан, 1127 номдаги маҳаллий, 1738 номдаги МДХ мамлакатлари, 3171 номдаги хорижий фармацевтика саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари тиббиёт ама-



лиётида қўллашга рухсат этилганлигини таъкидлаб, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 30 дан ортиқ оригинал дори воситалари маҳаллий хом ашёлар, асосан доривор ўсимликлар асосида республика-миз олимлари томонидан жумладан, аллапинин, эқдистен, фефсрол, пирацин, купир, сукци-насол каби дори воситалари яра-

тилганлигини эътироф этди.

Шунингдек, тадбир давомида мутахассислар мазкур мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Оммавий ахборот воситалари томонидан берилган саволларга соҳа вакиллари тўлиқ ва батафсил жавоб бердилар.

Хусан БАРОТОВ,  
Диёра БОЗОРОВА.

## Тадбир

СОҒЛОМ  
ОИЛА ЖАМИЯТ  
ТАРАҚҚИЁТИ

Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар сешанбаси туманда «Соғлом оила куни» деб белгиланди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатларни ўзида мужассам этган ушбу тадбирдан мақсад, қишлоқ аҳолиси ўртасида репродуктив саломатлик моҳиятини тарғиб этиш ва фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

Ушбу тадбирга ҚФЙ ва туманлар ихтисослашган даволаш-профилактика муассасалари тажрибали ходимлари сафарбар этилади. Улар аҳоли турли қатламларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишади. Шу билан бирга, «Соғлом оила – соғлом бола» гоясининг мақсад ва вазифалари хусусида давра суҳбатлари, бахс-мунозаралар ташкил этилади. Яқинда Карнон кишлоғидаги ҚВП ва 15-ўрта умумтаълим мактабида «Соғлом оила куни» доирасидаги соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Олимжон Қосимов тадбирни очар экан, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096 ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли қарорлари тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Туман ФХДЭ бўлими мудири Нодира Жамолова, меҳнат фахрийси Тўхтабу Жумаева ва бошқалар Мустаҳкам оила йилида, аввало, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, хонадонларда тиббий маданиятни юксалтириш, никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш каби долзарб масалалар бўйича тўхталдилар. Тадбир иштирокчилари томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди. Айтиш муҳимки, жорий этилган янги иш услуби «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг белгиланган йўналишлардан бири – «Соғлом оила – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ, оила саломатлиги ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш сари қўйилган муҳим қадамлардан дандир.

Абдулла ҲОЗИЕВ.

## Кўргазма

Жорий йилнинг 24 апрель куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»-да анъанавий ўн еттинчи «Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ», еттинчи «Pharmacy/Pharmtech Central Asia – фармацевтика саноати» ва «Stomatology Uzbekistan» 8-халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлайди.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИНГ  
НАВБАТДАГИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Айтиш муҳимки, «2012 ТИНЕ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги» кўргазмаси соғлиқни сақлаш тизимининг деярли барча йўналишларини қамраб олган. Албатта, мазкур «2012 ТИНЕ» экспозицияси ихтисослашган тиббиёт кўргазмаларни бирлаштиради.

Бўлиб ўтадиган ушбу халқаро кўргазмада энг яхши ишлаб чиқарувчилар томонидан юқори тиббий жиҳозлар, фармацевтик дори-дармонлар ва технологиялар, шунингдек, стоматология учун ускуна ҳамда материаллар тақдим этилади. Унда 30 га яқин давлатлардан 130 дан ортиқ компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиздаги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг мазкур халқаро кўргазмадаги иштироклари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Чунки, юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар, тиббиётнинг турли тармоқларида ишлатиладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг сифат-самарадорлиги хориж технологиялари билан рақобатлаша олиш имкониятига эга. Бунинг натижасида мамлакатимизда тиббий профилактика, диагностика изчил тараққий этмоқда. Такимиллашаётган ва жадал янгиланиб бораётган тиббиёт янгилликларини амалиётга татбиқ этиш, тиббиётимиз салоҳиятини юксалтиришда анъанавий тарзда ташкил этилаётган ана шундай тиббиёт кўргазмалари катта аҳамиятга моликдир.

Ушбу нуфузли халқаро кўргазма ишлаб чиқарувчилар ва соҳа вакилларининг ўзаро тажриба алмашиши, янги тиббий технологиялар ва илм-фан ютуқларини намойиш этиш учун қулай имконият муҳитини яратиши шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА.

## Дил изҳори

## ШИФОКОРЛАРИМДАН АЙЛАНАЙ



Намангандан Сирдарё вилоятида истиқомат қилаётган опамникига меҳмон бўлиб келганимда буйрагим соҳасида қаттиқ оғриқ тутиб, мени дарҳол Республика шoshiнч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилоят филиалига олиб келишди. У ердаги фидойи ва тажрибали шифокорларнинг текширувларидан сўнг мени сунъий буйрак бўлимига ётқизиш, дарҳол даво муолажаларини бошлаб юборишди. Аввало, биздек беморлар учун шифохоналарда етарли имкониятлар яратиб берган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Икрамов, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ф. Шарипов, филиал директори Р. Мўминов ҳамда соғлигимни тиклашда ўз меҳнатларини аяманган бўлим мудири Қ. Усмонов, терапевт-врач А. Исаков, В. Дягив, бири-биридан чаққон ва меҳрибон ҳамширалар М. Мираҳмедова, Ж. Толипова, С. Мама-расулова, Ф. Бултикова, У. Усмонова ҳамда бир қанча жамоа ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Уларга узоқ-умр, сиҳат саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилайман.

Тошмуҳаммад ҲОЗОАЛИЕВ.  
Наманган вилояти.

## Миннатдорчилик

Меҳрларининг  
чеки йўқ

Бир неча йиллардан буён асаб касаллиги билан ҳасталаниб келаман. Доимий назоратда бўлганлигим сабабли даволанишим учун Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов раҳбарлигидаги ходимлар Ҳикмат Абдуллаев, Ботир Ибрагимов ва Фаина Зеганцевалар менга домо ёрдам бериб келадилар. Ўз вақтида муолажа олиб, соғлигимни тиклашда бераётган эътиборларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Шу ўринда уларнинг инсонларга бўлган меҳрибонлиги ва муурожаатларини ўз вақтида бажаришлари кўнглимни янада кўтариб, яшашга бўлган умидимни оширмоқда.

\*\*\*

Шунингдек, яқинда Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникасининг Гулзира Агзамхўжаева бошчилик қилаётган неврология бўлимида даволандим. Бўлимдаги тиббиёт ходимларининг ширинсўзлиги ва ўз вақтида берган тиббий ёрдамлари мени дарддан халос этди. Айниқса, бўлимнинг тажрибали шифокорлари Доно Охунова, Шухрат Нуров, Ифтихор Мамажонов ва катта ҳамшира Маъмура Кўчқорова, Маҳфуза Комилова, Василя Зокирова ҳамда Муножат Каримовалардан гоят миннатдорман. Юқорида тилга олган тиббиёт ходимларига яна бир бор мамнунлигимни билдириб, Мустаҳкам оила йилида бахтсаодат, тотувлик, ишларида улкан ютуқлар ҳамиша ҳамдам бўлишини тилаб қоламан.

Вазира МУҲАМЕДОВА,  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтохур тумани.

**Кўрик-танлов**

# ПОДИАТР-ҲАМШИРАНИНГ ТИББИЁТДАГИ ЎРНИ

**Бугунги кунда республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган кўп сонли ҳамшираларимизнинг масъулиятли ва машаққатли меҳнатлари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириб келинмоқда. Улар ўзларининг фидойи меҳнатлари билан бир қаторда, жамоатчилик ишлари, қолаверса, ўтказилаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этаётганликлари ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, ўз нуфузига эга бўлиб келаётган республика «Ҳамшира» кўрик-танловининг аъёнага айланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.**

Эътирофлиси шундаки, «Ҳамшира» кўрик-танловида ҳамшираларнинг фаолияти кенг қамраб олиниб, улар ўз касбий маҳоратлари бўйича катта аудиторияда ўзаро билим ва тажрибаларини синаш имкониятига эга бўлиб келмоқдалар. Эндиликда эса, патронаж ҳамда подиатр-ҳамширалар ўртасида алоҳида кўрик-

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят тиббиёт муассасаларининг эндокринология йўналишида фаолият юритаётган 14 нафар ҳамширалар иштирок этди. Тадбиролди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокрино-



Кўрик-танловни Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Жамшид Тоҳиров кириш сўзи билан очиб, мингйиллик тарихга бой маданияти ва мероси, буюк аллома олимлар юрти бўлган кўҳна Бухоро

ги учун касбий маҳоратлари муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, лойиҳа томонидан подиатр-ҳамширалар узлуксиз тарзда ўқитилганлиги ва барча диспансерлар ёнида подиатр хоналари ташкил этилганлигини ай-

1-ўринга Бухоро вилоятдан Зарина Турсунова ва Самарқанд вилоятдан София Тамбриязова, 2-ўринга Тошкент шаҳридан Нигора Гаффарова, 3-ўринга эса, Тошкент вилоятдан Зулхумор Топволдиевалар сазовор бўлдилар. Фолиб-



танловларнинг ташкил этилганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир.

2012 йилнинг 31 март куни Бухоро шаҳрида «Энг яхши подиатр-ҳамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар қандли диабет беморлари ва ногиронлари «Умид» хайрия жамияти бирлашмаси лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

логия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент шаҳар қандли диабет беморлари ва ногиронлари «Умид» хайрия жамияти бирлашмаси томонидан «Диабет тўпиғи синдромининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволашда замонавий ёндашув» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, чет эллик меҳмонлар ва танлов иштирокчилари қатнашдилар.

шаҳрида ана шундай тадбирнинг ўтказилаётганлигини фахр билан айтиб, ушбу кўрик-танлов республика миқёсида илк мартаба ўтказилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Тошкент шаҳар қандли диабет беморлари ва ногиронлари «Умид» хайрия жамияти бирлашмаси лойиҳаси директори, тиббиёт фанлари номзоди Нилуфар Ибрагимова ҳам подиатр-ҳамшираларнинг бугунги кундаги фаолияти ва уларнинг беморлар саломатли-

тиб, танлов иштирокчиларига омад тилади.

Танлов қатнашчилари тўртта шарт бўйича ўз билим ва тажрибалари билан ўзаро куч синашдилар. Подиатр-ҳамшираларнинг ҳар бир шарт бўйича чиқишларини кузатиб турган хайрат аъзолари улардаги зуқолик, касбий маҳорат, ноёб истеъдод ҳамда билимга чанқоқликларини инобатга олган ҳолда одилона баҳолаб бордилар. Яқуний натижаларга кўра,

лар Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси Бухоро вилоят бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

Ўзига хос кўтаринкилик руҳида ўтган мазкур кўрик-танлов ҳамшираларимизни масъулият ҳамда касбларига бўлган меҳрларини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.  
**Ибодат СОАТОВА.**

**Эътироф**

# ТИББИЁТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, юртимизда инсон хотираси муқаддас, қадри азиз эканлигини ҳар биримиз чин дилдан ҳис қилиб турибмиз. Зеро, инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдсиз яшай олмайди. Бу фаний дунёдан ўтган азиз ва табарруқ юртдошларимиз, устоз ва мураббийларимиз хотирасини эъзозлаб, уларнинг руҳларини шод этиш, босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлларини ўрганиш, аини пайтда барҳаёт бўлганларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, кўнгилларини кўтариш бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.**

Авалло бу мақолани ёзишимдан мақсад, яқинда қўлимга олан «Тиббиёт заҳматкашлари» асари туртки бўлди. Қилич Абдинабиев, Ақром Акбаров, Рустам Йўлдошевлар қаламига мансуб ушбу китоб бир қарашдаёқ муштарий эътиборини ўзига тортади. Унинг саҳифаларини варақлар экансиз, қарийб 300 дан зиёд қашқадарёлик фидойи шифокорларнинг машаққатли ва самарали меҳнат фаолияти бамисоли кино тасмаларидек кўз олдингиздан ўтади. Мазкур китоб Қашқадарё вилояти шифокорлар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда маънавият-тарғибот маркази ҳомийлигида 900 нусхада чоп этилгани, айниқса, қувонарлидир.

Китобда илова этилган рангли фототасвирларда турли йилларда воҳанинг афсонавий, бепоён кенгликларидан тиббиёт соҳасида қизғин фаолият кўрсатган ва ҳозирги пайтда мардонавор меҳнат қилаётган

таниқли олимлар, тиниб-тинчимас ташкилотчилардан Баҳодир Аминов, Тоштемир Ўнгбоев, Жуманазар Бекназаров, Раҳматилла Раҳмонов, Рустам Йўлдошев, Омон Муртазоев, Саттор Юсупов, Шерқобил Тоғаев, Тўракул Холиқов, Ақром Акбаров, Саъдулло Темиров, Тўра Назаров, Шойман Қодиров, Мухаммади Тиловов, Дониёр Турсунов, Абдумалик Бўриев, Темур Қиёмов, Собир Турсунов, Абдулла Равшанов, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокорлар Мукаррам Арслонов, Турсун Ҳайдаров, Ҳайдар Ниёзов каби кўплаб меҳнат фахрийлари, соғлиқни сақлаш аълочилари, таниш чехралар билан хаёлан ва ғойибона сўзлашасиз, қалбингиз самимий туйғуларга тўлади.

Шунингдек, бугунги кунда эл-юрт саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатаётган 1- ва 2-сонли марказий шифохоналар, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш ил-

мий маркази Қашқадарё филиали, акушер-гинекология илмий-текшириш институти вилоят филиали, вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази, кўп тармоқли оналар ва болалар шифохонаси, суд тиббий экспертизаси, Қарши, Шахрисабз, Муборак тиббиёт коллежлари, юқумли касалликлар шифохонаси, онкология, асаб-руҳий ҳамда сил касалликлари диспансерлари, стоматология поликлиникаси, юз-жағ шифохонаси, ташҳис ва кардиология марказлари, Қарши шаҳар тугруқхонаси, «Қашқадарё соҳили» ва «Маржон» сихатгоҳлари ҳамда Қарши шаҳри, Шахрисабз, Касби, Яқкабоғ, Муборак, Нишон, Ғузур, Дехқонобод, Чирокчи, Китоб, Қамаш, Миришкор, Косон туманларидаги бир қатор нуфузли тиббий муассасалар жамоалари фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўласиз.

Бир сўз билан айтганда, ўз соҳасининг етакчи ва билимдонлари бўлган муаллифлар ниҳоятда синчковлик билан мустақиллигимизнинг ўтган 20 йили мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар самараси, шунингдек, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг янгича модели Қашқадарё вилояти мисолида қандай яратилгани хусусида

ҳикоя қилишгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир, албатта.

Давлат дастури асосида ҳозирги кунда 265 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, малакали шифокорлар халқ саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда мардонавор меҳнат қилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Аини пайтда вилоятдаги мавжуд тиббиёт муассасаларида 5171 нафар олий маълумотли шифокорлар, 5 нафар тиббиёт фанлари докторлари, 33 нафар тиббиёт фанлари номзодлари, 1623 та олий ва 1977 биринчи тоифали шифокорлар, шунингдек, 26781 нафар ҳамширалар фаолият юритаётгани, 206 та махсус жиҳозланган автомашиналар беморларга тиббий хизмат кўрсатишга шай турганлиги қашқадарёлик тиббиёт ходимларининг нақадар фидойи, ўз касби ҳамда қасамёдларига садоқатли эканликлари нишонасидирки, бунга фақат ҳавас қилса арзийди. Шунингдек, «Саломатлик-2» дастури асосида кенг кўламдаги ишлар бажарилиб, бугунги кунда «Саломатлик-3» дастури лойиҳаси бўйича ишлар қизғин амалга оширилмоқда.

Муаллифлар китоб дебочасида таъкидлашганидек, афсуски, қашқадарёлик барча тиббиёт ходимларининг фаолияти ҳақидаги дил сўзларини битта тўплам-



га жамлашнинг имкони бўлмаган. Лекин, улар бу хайрли ва савобли ишларни, эзгу ниятларни иккинчи китобда рўйбақи қиқаришади деган умиддамиз. Бу борада муаллифларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда ижодий парвозлар тилаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур тарихий китоб биргина қашқадарёлик эмас, балки республика миқёсида фаолият юритаётган ёш тиббиёт ходимлари учун катта ибрат мактабини яратиб қолади деб ишонч билдираман.

**Искандар РАҲМОН,**  
**Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси,**  
**Қуролли Кучлар фахрийси.**

## 25 апреля — Всемирный день борьбы с малярией

## Актуальная тема

## ЧТО НУЖНО ЗНАТЬ О МАЛЯРИИ

По решению Всемирной организации здравоохранения 25 апреля было объявлено Всемирным днем борьбы с малярией, так как это заболевание остается одним из самых распространенных инфекционных заболеваний на земном шаре.

Актуальна эта проблема и для нашей республики в связи с неблагоприятной ситуацией в соседних государствах — Таджикистане, Кыргызстане и Афганистане.

Это паразитарное заболевание передается от больного здоровому человеку через укусы малярийных комаров, которые выплывают в водоёмах с медленно текущей водой, в каналах, болотах, старых руслах рек.

Возбудители заболевания — простейшие организмы (плазмодии), развитие которых происходит в комарах и организме человека.

Различают 4 формы заболевания: трехдневная, четырехдневная, тропическая, а также овале-малярия.

Заболевание в основном проявляется через 8-20 дней с момента заражения, но при трехдневной малярии может возникнуть спустя 6-14 месяцев. Больные жалуются на высокую температуру, головную боль и боли в суставах, глазных яблоках, слабость, сонливость, тошноту. Часто ее симптомы в первые дни напоминают симптомы простудного заболевания.

Важная особенность малярии — регулярно, с одинаковой периодичностью возобновляющиеся острые приступы лихорадки: озноб, жар, обильное потоотделение.

Продолжительность приступов и сроки их повторения различны. К примеру, при трехдневной малярии приступы на-

чинаются обычно в первой половине дня, могут длиться от 7 до 11 часов и повторяются через день. Однако при самой опасной — тропической малярии — периодичности не бывает, что затрудняет диагностику болезни.

При всех видах малярии отмечаются анемия, увеличение печени и селезенки. Трехдневная, четырехдневная и овале-малярия, как правило, не так опасны. А вот тропическая — без оказания своевременной помощи угрожает жизни.

Малярию можно заподозрить на основании характерных симптомов болезни и указаний больного на пребывание его в местности, где она имеет широкое распространение. Однако достоверный диагноз ставится лишь при нахождении паразитов в крови.

Лечение больных проводится только в стационарных условиях специфическими про-

тивомаларийными препаратами.

В отличие от большинства инфекционных заболеваний прививок от малярии до сих пор не существует, хотя над созданием вакцины ученые постоянно работают.

Личная профилактика заболевания предусматривает прием противомаларийных препаратов и защиту от укусов комаров.

Если предстоит выезд в другую страну, поинтересуйтесь, существует ли там опасность заражения малярией. Проконсультируйтесь с врачом по поводу противомаларийных препаратов, которые нужно взять с собой. Их прием следует начинать за 1-2 недели до выезда и весь срок пребывания, а также 4-6 недель после возвращения из малярийной местности.

Для защиты от комаров рекомендуется иметь репеллен-



ты, отпугивающие насекомых, инсектицидные препараты для уничтожения их в помещениях. Комары нападают на человека чаще вечером и ночью. В это время желательно носить одежду, прикрывающую большую часть тела, открытые части тела смазывать репеллентами. Для предупреждения залета комаров в помещения окна и двери должны быть засечены.

Помните, что чем точнее вы будете следовать правилам личной профилактики малярии, тем меньше риск заболеть этой болезнью!

**Р. РЕПИНА,  
З. КАДЫРОВА,  
врачи-паразитологи  
ЦГСЭН г. Ташкента.**

## Советы специалиста

## КРАСНУХА И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ



**Краснуха — инфекционное вирусное заболевание, проявляющееся быстро распространяющейся сыпью на коже, увеличением лимфоузлов (особенно затылочных) и незначительным повышением температуры.**

Чаще всего болеют дети от 1 до 7 лет (до 6 месяцев они болеют очень редко благодаря иммунитету, передаваемому от матери). И после перенесенного заболевания формируется стойкий пожизненный иммунитет.

**Причины краснухи**

Инфекция имеет осенне-весеннюю сезонность и передается воздушно-ка-

пельным путем. Инкубационный период составляет 1-2 недели, т.е. заболевший человек заразен за 7 дней до появления сыпи и до 7-10 дня после высыпания.

Болеют краснухой преимущественно дети, однако бывают случаи заболеваемости и среди взрослых, течение болезни у которых проходит намного сложнее.

**Симптомы краснухи**

Самым известным симптомом краснухи у детей является пятнистая сыпь, которая покрывает вначале лицо, наружные поверхности рук, а затем и все тело. Сыпь не зудит, держится от 2-7 дней и исчезает без пигментации и шелушения. Также могут быть умеренно или слабо выражены катаральные проявления — заложенность носа, насморк, першение в горле, сухой кашель. Могут и увеличиться лимфатические затылочные и заднешейные лимфоузлы (лимфаденопатия), которые немного болезненны.

Осложнение заболевания у детей наблюдается крайне редко. Наиболее грозным осложнением является краснушный (наподобие коревого) энцефалит (воспаление мозга). Однако его частота составляет 1:5000-1:6000 случаев.

У подростков и у взрослых краснуха протекает значительно тяжелее. Более выражена лихорадка, явления интоксикации (недомогание, разбитость), отмечаются поражения глаз (конъюнктивит). Характерным является поражение мелких (фаланговые, пястно-фаланговые) и, реже, крупных (коленные, локтевые) суставов. А в одну из эпидемий среди мужчин частыми были также жалобы на боли в яичках.

Заболевание беременной женщины приводит к инфицированию плода, что обычно приводит либо к его гибели, либо у него развивается хроническая краснушная инфекция с поражением различных органов и формированием внутриутробных пороков развития, в зависимости от срока беременности, на

котором происходит заражение.

Наиболее характерными являются поражение органа зрения (катаракта, глаукома, помутнение роговицы), органа слуха (глухота), сердца (врожденные пороки). Также к синдрому врожденной краснухи (СВК) относят пороки формирования челюстно-лицевого аппарата, головного мозга (микроцефалия, умственная отсталость), внутренних органов (желтуха, увеличение печени, миокардит и др.).

Однако отметим, что заразиться краснухой во время беременности может только женщина, не имеющая иммунитета к этой инфекции, то есть ранее не переболевшая краснухой и не сделавшая прививку против данного заболевания до наступления беременности.

**Азизбек НИЗАМОВ,  
городской  
филиал Ташкентского  
института здоровья и  
медицинской статистики.**

## Огоҳ бўлинг

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Миробод туманида туман ХТБга қарашли 27 та мактаб-гача таълим муассасалари бўлиб, ҳозирги кунда бўлим инспекторлари томонидан уларда тўлиқ текширувлар ўтказилди.**

Ушбу текширувлар даврида биноларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш ва таъминлаш, яъни биринчи навбатда у ерда тарбияланаётган болаларни биноларда мавжуд бўлган жиҳозлар ва бино қурилишларини ёнгинлардан асраш ҳамда ёнгин оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеалардан йироқда бўлишлари учун амал қилини зарур бўлган ёнгинга қарши қоидаларни муассаса раҳбарияти ҳамда тарбияланувчи ёшларга етказиш асосий вазифамиздир. Бепарволик, эътиборсизлик ва шўхликлар

оқибатида ҳаётимиз учун хавф солувчи кўнгилсиз воқеалар содир бўлишининг олдини олишда ҳар бир раҳбар ва тарбиячилар ўз вазифаларини тўлиқ бажариши, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши лозимдир. Бўлим томонидан ўтказилган учрашувлар даврида ёшлар ва тарбиячи ходимлар билан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзусида тушунтириш ишлари олиб борилиб, тарбияланувчи болалар билан ҳар хил турдаги викториналар ўтказилиши ташкиллаштирилмоқда.

**Юқорида қайд этилган но-хуш ҳолатларнинг олдини**

**олиш учун куйидагиларга риоя қилинг:**

\* болаларни ёғочли бинолар чордоғидаги хоналар ҳамда иккитадан кам чиқиш жойи бўлган бино қаватлари ва хоналарида жойлаштириш;

\* болалар муассасаларининг ёғочдан қурилган биноларида кир ювиш хоналари, ошхоналарини жойлаштириш ҳамда дам олиш ва гуруҳли ўйинлар ўйнаш хоналарининг тагида газ асбобларини ўрнатиш;

\* ёғоч ва бошқа ёнғичи моддалардан қурилган биноларда 50дан ортиқ болаларни жойлаштириш;

\* икки ва ундан ортиқ қаватли биноларда ясли гуруҳидаги болаларни биринчи қаватда, катта гуруҳдаги болаларни юқори қаватларда жойлаштириш керак;

\* керосин ва электр иситиш асбоблари, печлардан ёзги вақтларда болалар жойлашган хоналарда фойдаланиш тақиқланади;

\* болалар муассасалари телефон алоқаси ҳамда ёнгинни маълум қилувчи ташвиш кўнғироқлари билан таъминланган бўлиши зарур;

\* болалар муассасаларининг хизматчиларига ёнгин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ёнгин вақтида бажариладиган ишлар тартиби ўргатилган бўлиши керак;

\* болалар муассасалари хизматчилари болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва ёнгин вақтидаги ҳаракатларни ўргатишлари лозим;

\* байрам тадбирлари ўтказиладиган хоналарнинг иккитадан кам бўлмаган чиқиш эшиклари бўлиши муҳим.



Ёнгин содир бўлганда «01» рақамига кўнғироқ қилишни доим ёдда тутиш зарур.

Ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзалдир. Шундай экан, ушбу офатни бартараф этишда барчамиз ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳар бир фуқарони огоҳликка даъват этишимиз лозим.

**Илхом МИРЗАЕВ,  
Миробод тумани  
ИИБ ЁХБ  
инспектори, сержант.**

Конспект врача

# СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ СИНДРОМА ВОЛЬФА-ПАРКИНСОНА-УАЙТА (WPW)

В 1930 году Л. Вольф, Д. Паркинсон и Р. Уайт описали ЭКГ – синдром “функциональной блокады ножки пучка Гиса” и короткого интервала P-R, который наблюдается у молодых физически здоровых лиц, страдающих приступами тахикардии, в последующем названный синдромом WPW (ВПУ).

По данным различных авторов, частота синдрома предвозбуждения колеблется от 0,15 до 0,25% в общей популяции, причем у больных с врожденными пороками сердца она несколько выше и составляет 0,5%. Этот синдром является второй по распространенности причиной НЖТ как в странах Запада, так и в азиатских странах [1]. Дополнительные предсердно-желудочковые соединения присутствуют при рождении, однако в дальнейшем происходит их саморазрушение (апоптоз) [2]. В настоящее время выявлено, что в ряде случаев генетически синдром ВПУ обусловлен мутацией в гене *PRKAG2* [3].

### Морфологический субстрат синдрома Вольфа – Паркинсона – Уайта

Морфологическим субстратом синдрома ВПУ являются дополнительные предсердно-желудочковые соединения или так называемые “мышечные мостики”. ДПЖС – это проводящие пути между миокардом желудочков и предсердий, существующие помимо специализированной области АВ-соединения. Большинство гистологически идентифицированных дополнительных путей представляют собой “тонкие нити” рабочего миокарда предсердий (рис. № 1).



Рис № 1. 1 - предсердие; 2 - желудочек; 3 - фиброзное кольцо (стрелкой указана створка МК); 4 - пучок Кента (Anderson R., Becker A., 1981).

### Классификация дополнительных предсердно-желудочковых соединений

Для клинической практики заслуживает внимания классификация ДПП, предложенная R. Anderson et al., 1975 и одобренная Европейской исследовательской группой по изучению предвозбуждения желудочков [8] (табл. № 1).

Анатомическая классификация дополнительных путей проведения	
Новая терминология дополнительных путей проведения	Прежнее название
Предсердно-желудочковые АВ-соединения	Пучки Кента
Нодовентрикулярное соединение между дистальной частью АВУ и межжелудочковой перегородкой	Волокна Магейма
Фасцикуловентрикулярное соединение между общим стволом пучка Гиса или его левой ножки и миокардом желудочков (функционирует редко)	Волокна Магейма
Атриофасцикулярный тракт, связывающий правое предсердие с общим стволом пучка Гиса (встречается редко)	Тракт Брехенмахера
Атрионодальный тракт между СПУ и нижней частью АВУ	Тракт Джеймса
Скрытые ретроградные вентрикуло-атриальные соединения	Ретроградные пучки Кента
Множественные добавочные пути	

Таблица № 1. Анатомическая классификация дополнительных путей проведения (R.Anderson et al., 1975).

Arruda M.S., et al., предлагают подразделять ДПЖС по их локализации в 3 главных областях (рис. № 2). Септальные ДПП: передне-септальные и передние парасептальные вдоль кольца ТК; средне-септальные вдоль кольца ТК; задне-септальные вдоль кольца ТК; задне-септальные вдоль кольца МК [9].





Рис № 2. Представлена схема локализации ДПЖС в левой косой проекции. Tricuspid, mitral anulus – фиброзные кольца трехстворчатого и митрального клапанов; HB-пучок Гиса; Cs-венечный синус. Объяснение в тексте (J Cardiovasc Electroph 1998; 9:2-12).

ДПП правой свободной стенки: правый передний; правый переднебоковой; правый боковой; правый заднебоковой; правый задний.

ДПП левой свободной стенки: левый переднебоковой; левый боковой; левый заднебоковой; левый задний.



CURRENT (inaccurate)	ANATOMIC (accurate)
<b>RIGHT</b>	
anterior	superior
anterolateral	superoposterior
posterior	inferior
<b>LEFT</b>	
anterior	superior
anterolateral	superoposterior
lateral	posterior
posterolateral	inferoposterior
posterior	inferior
<b>SEPTAL-PARASEPTAL</b>	
anteroseptal	superoparaseptal
posteroseptal	inferoparaseptal
midseptal	septal

Рис № 3. Анатомофизиологическая классификация локализации дополнительных предсердно-желудочковых соединений при синдроме WPW (Cosio F.G., 1999).

Спустя год, Ф. Косио. в 1999 г. предложил свою анатомофизиологическую классификацию локализации дополнительных предсердно-желудочковых соединений при синдроме ВПУ с учетом анатомического расположения в грудной клетке и строения сердца, которая, по его мнению, является более правильной. ДПП разделены им на три группы: правосторонние, левосторонние и парасептальные (рис. № 3).

### Клинические формы синдрома Вольфа – Паркинсона – Уайта

Диагноз синдрома Вольфа-Паркинсона-Уайта ставится пациентам при наличии синдрома предвозбуждения желудочков с тахикардией. Иногда различают понятие “феномен” и “синдром” преждевременного возбуждения желудочков, относя к первому те случаи, где имеются лишь типичные изменения ЭКГ, а ко второму – где присутствуют также и приступы тахикардии. Клинически выделяют следующие формы синдрома ВПУ [10]:

- а) манифестирующая форма, которая характеризуется постоянным наличием Δ-волны, имеющейся у 0,15-0,2 % общей популяции, антеградным и ретроградным проведением по ДПЖС. Степень предвозбуждения определяется соотношением проведения на желудочки через АВ-узел и систему Гис-Пуркинье (рис. № 7,8);
- б) интермиттирующая форма – выявляется в основном по клиническим данным и ей присущи переходящие признаки предвозбуждения (рис. № 4);




Рис № 4. Представлено ЭКГ 14-летнего мальчика с интермиттирующим синдромом ВПУ. I, II, III, aVR, aVL, aVF, V1-V6-отведения стандартной ЭКГ. Объяснение в тексте. (Te-Chuan Chou, 1986).

в) латентная форма – проявляется признаками предвозбуждения только при стимуляции предсердий (чаще всего – левого, через коронарный синус при инвазивном ЭФИ) или при замедлении проведения по АВ узлу в результате массажа каротидного синуса, введения верапамила или пропранолола;

г) скрытая форма, при которой отмечается только ретроградное предвозбуждение предсердий. Поэтому пароксизмов антидромной тахикардии или мерцания предсердий с проведением через ДПП не развивается. При синусовом ритме признаков синдрома ВПУ на электрокардиограмме не выявляется.

Скрытые ретроградные ДПЖС могут быть двух типов: быстрые (часто встречаются) и медленные (редко встречаются). Быстрые ДПП являются основой пароксизмальных ортодромных АВ риентри тахикардий, при которых V-A интервал ( R-P/ ) < чем S R-R и так называемые медленные ДПП, являются основой непароксизмальных (постоянных, хронических) или непрерывно-рецидивирующих ортодромных АВ риентри тахикардий (НАВРТ), при которых V-A интервал ( R-P/ ) > 1/2 R-R [11] (рис. №5).




Рис № 5. ЭКГ 12 летней девочки с НАВРТ. Видны отрицательные P-зубцы во II, III, AVF отведениях. P-R интервал короче, чем R-P интервал (Journal of the American College of Cardiology, Vol.33, №2, pp.366-375).

Р. КУРБАНОВ, Б. АМИРКУЛОВ,  
Республиканский специализированный центр кардиологии.

(Продолжение в следующем номере).

## Саломатлик куни

## ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ – ИНСОНЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Омон ШАРИПОВ,**  
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти  
Бухоро филиали директори:

– Касалликларнинг олдини олишда авваламбор тарғибот ва ташвиқот ишларининг ўрни катта деб биламан. Мана бугунги тадбирга келаётган ҳар бир фуқаро филиалимиз томонидан таш-



қил этилган бурчакка диққат билан эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва жамоамиз томонидан тайёрланган буклет, видеоролик ҳамда плакатлардан фойдаланган ҳолда бизлар билан савол-жавоблар ўтказишди. Бунинг баробарида уларга ушбу йиғма материаллардан тақдим қилдик. Жамоамиз ходимлари бугунги кунда ҳар бир оилага чуқур кириб борган ҳолда нафақат бемор, балки оила аъзоларининг барчаси билан суҳбатда бўлиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб келмоқдалар. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида йиллик режа асосида ҳамкорликдаги фаолиятлар олиб борилмоқда ва унга тажрибали мутахассислар жалб қилинган.

**Дилмурод РИЗАЕВ,**  
Бухоро шаҳри:

– Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали ташкил этган бурчакдаги буклет ва видеороликлар билан танишиб чиқиб, соғлигим учун муҳим бўлган маълумотларни олганимдан хурсандман. Айниқса, ёшлар учун чекиш, гиёҳвандлик, ОИТС каби касалликлар бўйича



чиқарилган буклетлардаги тавсия ва маслаҳатларни кўриб, унда келажак авлоднинг тақдири ётганлиги ҳамда бу касалликларга қарши барчамиз бирдек курашишимиз зарурлиги мени бефарқ қолдирмади. Бундан ташқари, айрим хасталиклар бўйича видеороликларнинг ҳаётий тарзда олинганлиги ҳар бир ёш авлоди янада огоҳликка даъват этиши кўри-ниб турибди.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

**Муҳайё ҲАМДАМОВА,**  
Бухоро Давлат тиббиёт  
институти акушерлик ва  
гинекология кафедраси  
доценти:

– Эътирофлиси шундаки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борадаги фаолиятлар янада изчиллик билан олиб борилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг 1096 ва 1144-сон Қарорлари ижроси бўйича республика миқёсида катта ишлар қилинмоқда. Фертил ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга қаратилган режалар жойларда ўз вақтида малакали кадрлар томонидан амалга оширилмоқда. Кафедрамиз ходимлари туманлардаги қишлоқ врачлик пунктларига бириктирилган бўлиб, мазкур қарорлар ижроси бўйича аҳолига амалий,



матлигига бўлган эътиборини янада кучайтирди десам, муболаға бўлмайди. Асосийси, саломатлик инсон учун бебаҳо бойлик экан, бу борада аҳоли билан чуқурроқ ишлаш мутахассис ва кенг жамоатчиликка катта масъулият юклайди. Демокриманки, барчамиз ҳамжихатликда фаолият юритсаккина, касалликларнинг олди олиниб, тизимдаги ишлар самарадорлигини оширишда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Фаррух АВЕЗОВ,**  
Бухоро шаҳри:

– Травматолог-ортопед, гематолог, гастроэнтеролог, офтальмолог, уролог, ревматолог каби мутахассислар кўригидан ўтганимдан сўнг кўнглим янада хотиржам бўлди. Керакли тавсияларни олдим. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари замонавий аппаратураларда ҳам соғлигимни текшириб кўришганда, менда касаллик белгилари йўқлигини айтишди. Шундай бўлсада, саломатлигимга эътибор қаратишим муҳимлигини ҳам таъкидлашди. Бундай қимматли тадбир Бухоро аҳлида катта таассурот қолдирди.

мутахассисларга эса услубий ёрдам бериб келмоқдалар. Бугунги тадбирда ҳам қабулимга келган 147 нафар хотин-қизларга керакли маслаҳат ва тавсияларимни бердим. Мақсадимиз соғлом онадан соғлом фарзандларни дунёга келтириш экан, ўйлайманки ана шундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиш турилиши кўзлаган мақсадларимиз рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

**Дилфуза САИДОВА,**  
Бухоро шаҳри:

– Кўриқда кардиолог, акушер-гинеколог, аллерголог, стоматолог, эндокринолог каби мутахассислар ҳамда ЭКГ, УЗИ, замонавий рентген аппаратураларида соғлигимни текширувдан ўтказган чоғимда менда буқоқ касаллигининг 2-даражаси борлиги аниқланди. Бундан ташқари, акушер-гинеколог қабулида бўлганимда экстрагенитал касалликлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эгаллигим, соғлом авлодни дунёга келтиришимда асосий ўрин туттишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шу ўринда мутахассисларнинг билим ва тажрибасига тан бердим.



Хулоса ўрнида айтишимиз муҳимки, тадбирда фаол иштирок этган Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларининг шифокор ва ҳамширалари, республикамизнинг етакчи клиникалари ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларининг аҳолига кўрсатган тиббий хизматлари барчани мамнун этди. Ўйлаймизки, бундай саломатлик тадбири республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

1-2-, 8-саҳифа материалларини  
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.  
Муаллиф олган суратлар.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 9849 нусха.  
Буюртма Г-445.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.  
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

